Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 7-fevral, shanba, № 19 (3524)

Алишер Навоий халқимизнинг онг ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга таранним қилган ўлмас сўз санъаткоридир...

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларида замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини, "электрон ҳукумат" тизими ҳамда ахборот тизимларини жадал татбиқ этиш, телекоммуникация инфратузилмасини ва маълумотларни узатиш тармоқларини модернизация қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси негизида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ташкил қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг барча мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

ахборот технологиялари ва коммуникациялар соҳасида, "электрон ҳукумат"ни жорий этишда ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, ахборот технологияларини ривожлантиришнинг жаҳон даражасидан келиб чиққан ҳолда миллий ахборот-коммуникация тизимини татбиқ этиш ва ривожлантириш юзасидан комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш, шу жумладан, Интернет тармоғига кенг полосали уланишни кенгайтириш, телефон алоқаси, телевидение ва радиоэшиттиришнинг рақамли тизимларига тўлиқ ўтишни таъминлаш, **алоқа ва телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни, шунингдек, радиочастотали спектрдан фойдаланишни давлат йўли билан бошқариш, лицензиялаш ва назорат қилиш борасидаги функцияларни амалга ошириш;**

"электрон ҳукумат"ни татбиқ этиш, вазирликлар, идоралар, компаниялар ва уюшмаларнинг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборотлаштириш ва интерактив давлат хизматларини такомиллаштириш борасидаги фаолиятини идоралараро мувофиқлаштириш, мониторинг қилиш, баҳолаш ва назорат қилиш бўйича давлат дастурларининг амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, давлат ахборот ресурслари ҳамда маълумот базаларини шакллантириш, сақлаш ва фойдаланишнинг ягона тизимини вужудга келтириш, идоралараро ахборот тизимларини яратиш ва бошқариш;

Интернет тармоғининг миллий сегменти янада шакллантирилишини таъминлаш, мамлакатимизнинг турли йўналишлардаги замонавий веб-ресурсларини, шу жумладан, аҳолининг, хусусан, ёш авлоднинг ахборотга бўлган ва интеллектуал талаб-эҳтиёжларини қондириш мақсадида тармоқ ресурсларини ривожлантириш учун зарур техник ва қулай шарт-шароитларни яратиш;

рақобатдош дастурий маҳсулотларнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилишини ва ички бозорини ҳамда уларга кўрсатиладиган хизматларни ривожлантиришга кўмаклашиш ва унинг мувофиқлаштирилишини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларида ва истеъмолчиларда замонавий дастурий маҳсулотлар, ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларини жорий этиш;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва коммуникация тармоқлари, дастурий маҳсулотлар, ахборот тизимлари ва ресурсларини ҳимоя қилишнинг замонавий технологияларини татбиқ этиш чора-тадбирларини амалга ошириш, ахборот ресурсларини ҳимоя қилиш бўйича техник инфратузилмани янада ривожлантириш;

замонавий коммуникация воситалари соҳасида илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш, дастурий маҳсулотлар, ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборот-коммуникация технологияларининг бошқа соҳаларида шундай ишларни ташкил этиш;

алоқа, ахборот технологиялари ва коммуникациялар соҳасида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, устувор лойиҳаларни амалга ошириш, радиочастоталик спектрдан самарали фойдаланиш учун ҳамда вазирлик фаолияти доирасига кирувчи бошқа йўналишлар бўйича хорижий инвестицияларни жалб этиш.

3. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари вазирликлар, идоралар, компаниялар, уюшмалар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади;

вазирликлар, идоралар, компаниялар ва уюшмаларнинг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлари ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича комплекс дастурларнинг ўз вақтида ва тўла-тўкис амалга оширилиши, "электрон ҳукумат" хизматлари ва ахборот тизимлари жорий этилиши учун шахсан жавобгар бўладилар;

иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда интерактив давлат хизматлари татбиқ этилиши даражаси, самарадорлиги ва сифатига баҳо бериш натижалари **вазирликлар, идоралар, компаниялар, уюшмалар, йирик корхоналар ва бирлашмалар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг эгаллаб турган лавозимларига муносиб эканликларини кўриб чиқиш учун асос бўлиб ҳисобланади.**

4. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги қарори лойиҳасини ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида"ги 2012 йил 16 октябрдаги ПФ-4475-сонли Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин, 4, 5 ва 8-бандлари бундан мустасно.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2015 йил 4 феврал

Алишер Навоий таваллудининг 574 йиллигига

Алишер Навоий асарлари жаҳон адабиётининг энг баркамол намуналари билан бўйлаша олади ва шоирнинг ўзи Ҳомер, Фирдавсий, Низомий, Румий, Ҳофиз, Данте, Шекспир, Бедил, Балзак, Пушкин, Толстой каби буюк сўз санъаткорлари билан бир қаторда туради.

ЎЛМАС СЎЗ САНЪАТКОРИ

Ўзбек халқини, тилини, маданияти ва адабиётини ўзига хос юксак даражада кўриш Алишер Навоийнинг улуғ орзуси эди. Ўзининг шоир, олим, давлат арбоби, мураббий сифатидаги бутун кучи ва фаолиятини шу буюк мақсад йўлига тиккан эди. Унинг орзу-армонлари орадан 500 йил ўтиб рўёбга чиқди. Алишер Навоий ва Ўзбекистон мустақиллиги ўртасида қандайдир кўзга кўринмас сирли ришталар, ўзаро боғлиқлик борга ўхшаб кўринади. Зеро, улуғ зотлар бу дунёдан ўтиб кетганларида ҳам уларнинг руҳи, қолдирган ишлари ҳамиша халқи билан бирга бўлади.

Мустақиллик ва Навоий эгизак тушунчаларга айланиб кетган. Зеро, мамлакатимизда "Навоий йили" деб эълон қилинган 1991 йилда биз мустақилликка эришдик. Ўз навбатида, мустақиллик Навоийга иккинчи ҳаёт бахш этди.

Истиқлол йилларида биздa Навоийга муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилди, шоир ижоди янгидан қадр топди.

Мустақиллик Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишнинг янги босқичини бошлаб берди. Сермаҳсул ва серқирра шоирнинг ХХ жилдлик "Мукаммал асарлар тўплами" (1987-2003 й.) ва шу асосда Х жилдлик "Тўла асарлар тўплами" (2011 й.)нинг нашр этилиши адабий-маънавий ҳаётимизда катта воқеа бўлди.

Навоийшуносликда ҳам сифат ўзгаришлари вужудга келмоқда, тадқиқотларда илмий холислик ва назарий теранлик кўзга ташланмоқда, олимлар шоир ижодини жаҳон сўз санъати контекстида олиб ўрганишга киришмоқдалар. Зеро, Навоий нафақат ўзбеклар, балки жаҳон халқларининг шоири, у дунёвий миқёсдаги тафаккур соҳибидир. У ўз асарларида башарий муаммоларни кўтариб чиққан, умуминсоний қадриятларни улуғлаган, жаҳоншумул масалаларни ечишга уринган.

Буюк шоир туғилган кун — 9 феврал миллий байрам мақомига кўтарилди: бирор-бир олий ва ўрта махсус ўқув юрти, мактаб ва лицей, ташкилот ва муассаса йўқки, Навоийга бағишлаб тадбир ўтказмаса! Ҳар йили феврал Навоийхонлик кунлари билан бошланади ва бу ўзига хос маънавият байрамлари ойнинг деярли ярмигача давом этиб, бобурхонлик тантаналарига уланиб кетади.

4

Сайлов — 2015

Жорий йилнинг 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини мамлакатимиз Конституцияси ва қонунларига амал қилган ҳолда, юксак демократик тамойиллар асосида ташкил этиш юзасидан 7-Самарқанд округ сайлов комиссияси томонидан ҳам зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

ҚОНУНИЙЛИК — БОШ МЕЗОН

— "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунга биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари таъминлайди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд округ сайлов комиссияси раиси Яхшинор Аллаёров. — Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорлари билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округлари тузилди ҳамда округ сайлов комиссиялари таркиби тасдиқланди.

7-Самарқанд округ сайлов комиссияси раис, раис ўринбосари, котиб ҳамда саккиз нафар аъзодан иборат таркибда фаолият кўрсатмоқда. Қонунда белгиланган ваколат ва вазифаларни амалга ошириш учун комиссия жойлашган Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети қошидаги 2-академик лицей биносида барча зарур шароит яратилган. Комиссия ўз фаолиятини тасдиқланган иш режаси, вазифалар тақсимоти асосида олиб бормоқда.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, шу йилнинг 26 январ куни округ ҳудудида 957 сайлов участкаси тузиш тўғрисида қарор қабул қилиниб, мазкур сайлов участкалари жойлашган манзил, унинг маркази ва чегаралари ҳақидаги маълумотлар матбуотда чоп этилди.

Сайловнинг очиқ ва ошкоралигини таъминлаш, сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган тадбирлардан аҳолини кенг хабардор этиб бориш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича вилоят матбуот маркази ташкил этилди. Мазкур марказда комиссия фаолияти юзасидан журналистлар иштирокида брифинг ва матбуот анжуманлари ўтказилмоқда. Вилоятдаги оммавий ахборот воситаларида сайлов қонунчилигини тарғиб этиш ва аҳолига тушунтириш юзасидан махсус рукнлар, кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил этилган.

Айни пайтда округ комиссияси олдида участка сайлов комиссиялари таркибини тасдиқлаш вазифаси турибди. "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунга кўра, участка сайлов комиссиялари халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг тавсияси асосида округ сайлов комиссияси томонидан сайловга камида қирқ кун қолганида 5-19 нафар аъзо, жумладан, раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилади. Шундан келиб чиқиб, айни пайтда округ сайлов комиссияси томонидан зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

ЎзА мухбири Ғ.ҲАСАНОВ ёзиб олди

Ифтихор

Юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, катта ариқлар, дарёлар устига қурилган қадимий кўприкларга, йўл иншоотларига кўзингиз тушади. Шундай пайтда аждодларимизни элнинг машаққатини озайтириш, манзилини яқинлаштиришдек бундай хайрли юмушга ундаган нарса нима экан-а, дея ўйланиб қоласан. Ва бунинг сўз билан таърифлаб бўлмас олижаноб ҳис эканлигини тушунасан.

Яшил иқтисод

"Яшил иш ўринлари", "Яшил иқтисод", "Яшил энергетика" деган атамалар экологлар, сиёсатчилар, тиббиётчилар, меҳнат муҳофазаси билан шуғулланувчи ташкилотлар вакиллари ҳамда иқтисодчилар томонидан тез-тез тилга олинмоқда. Дарҳақиқат, асримиз бошидан турли давлатлар, жумладан, Ўзбекистонда ҳам яшил иш ўринларини яратиш бўйича тажрибалар амалга ошириб келинмоқда.

ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Бу, аввало, энергетика, саноатнинг кичик бизнес кўринишидаги шакли, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги, офис хусусиятига эга ишлар, нисбатан чекка ҳудудларда жойлашган маъмурий идоралар, тиббиёт ва таълим муассасалари фаолиятида яққол намоён бўляпти. ЯИЎни яратиш таклифини, айниқса, касаба уюшмалари мутахассислари жадал илгари сурмоқда. Зеро, бу янги ва барқарор иш ўринларини ташкил этиш, муносиб меҳнат шароитини таъминлаш, ходимлар саломатлигини сақлаш, касб касалликларининг олдини олишда муҳим рол ўйнайди. Мухбиримиз Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Нодира Каримова билан шу мавзуда суҳбатлашди.

3

ИСТИҚЛОЛНИНГ РАВОН ЙЎЛЛАРИ

Истиқлол йилларида мамлакатимизда йўлсозлик соҳасида амалга оширилган ва амалга оширилаётган улкан ишларнинг мазмун-моҳиятида ҳам ана шундай эзгу мақсад мужассам. Дарҳақиқат, йўл қуриш, кўприк солишни улкан савоб дея тушуниш қон-қонимизга сингиб кетган. Буни юртимизда биргина автомобил йўллари қуриш, созлаш йўналишида олиб борилган ишлар ҳам тасдиқлайди. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб шу кунгача неча минг километрлаб автомобил йўллари, қанчалаб йўл ўтказгич иншоотлар қурилмади, таъмирланмади, дейсиз. Бугун қай манзил сари отланмайлик, йўлларимизнинг текис ва равонлигидан, жаҳон стандарти талаблари даражасида эканидан ғурурга тўламиз.

ЎзА суратлари

Талабалигимизда, ўша ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари ўрталарида пойтахтдан туғилиб-ўсган уйимизга, Қашқадарёга бориб-қайтишда кузатганларимиз манзаралар, айниқса, Жиззахнинг катта-кичик довонлар, сойлар, қиялик ва кескин бурилишлар орқали ўтадиган йўллари ёдимда қолган. Бу йўллардан автомобил энг кам тезлик билан ҳаракатланар, то текис йўлга тушиб олмагунимизча юрақдан хавотир аримасди. Ҳозир эса тамоман бошқача манзара. Қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилиши, йўл ўтказгичлар, кўприклар барпо этилиши натижасида автомашиналар ҳаракатига халақит берадиган тўсиқлар бартараф этилган. Кенг ва равон йўллардан автоуловда ўта туриб, гўё кемада енгил сузиб бораётгандек ҳис этасиз ўзингизни.

2

2015-yil 7-fevral, shanba, № 19 (3524), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Касаба уюшмалари — ҳудудларда

● Сирдарё

Вилоят фермерлар кенгаши ва касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раёсатининг қўшма қарори асосида туман фермерлар кенгашларида ўқув-семинарлар ўтказилаётир. Жумладан, Оқолтин ва Мирзаобод туманида ўтказилган шундай семинарларда қарийб 300 нафар фермер хўжалиги раҳбарлари, иш юритувчилари иштирок этди.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ УЧУН

Семинарларда бирлашма мутахассислари томонидан "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонун, меҳнатни муҳофаза қилишга оид меъёрий ҳужжатлар, "Фермер хўжаликларида меҳнат муҳофазаси" ўқув қўлланмаси ҳамда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган қатор конвенциялари мазмун-моҳияти тўғрисида тушунчалар берилди. Шунингдек, ижтимоий шериклик, жамоа шартномалари тузиш орқали меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш афзалликлари ҳақида атрофлича тўхталиб ўтилди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
"Ishonch" мухбири

● Самарқанд

"Самарқандавтойўл" ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилотида ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги барча автойўл корхоналари мутасаддилари ҳамда бошланғич касаба уюшма ташкилоти раислари иштирок этди.

ФИКРЛАШИБ ОЛИНДИ

Ходимлар манфаатдорлигини ижтимоий шериклик асосида таъминлаш, жамоа шартномалари муҳокамасини ташкил этиш ва ҳисобот-сайловларни наъмунали тарзда ўтказиш хусусида атрофлича фикрлашилди. Семинарда ташкилот директори Р.Исоқов, Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Ш.Тўқсонов, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари вилоят ташкилотлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси С.Иззатуллаевнинг мавзу юзасидан чиқишлари тингланди.

МУҲОФАЗА — МУҲИМ МАСАЛА

"Микрокредитбанк"АТБ Самарқанд вилояти филиали бошланғич касаба уюшмасида меҳнат муҳофазасини ташкил этиш, хавфсизлик техникасини таъминлашга доир тадбир бўлиб ўтди.

Соҳага оид ишларни ташкил этиш, иш юритиш, банк соҳасида меҳнатни муҳофазалаш қоидалари, ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлар юритилиши билан танишилди ва кўмак берилди.

— Меҳнат муҳофазасини таъминлашда бошланғич касаба уюшмалари иш берувчининг энг яқин кўмакчиси бўлмоғи зарур, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Усмон Каримов. — Мазкур ташкилотда эса ана шу йўналишдаги ишлар намунали ташкил этилганлигини кўрдик.

Ўз мухбиримиз

● Фарғона

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш борасида Марғилон тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси томонидан талай ишлар амалга оширилди.

ҒАМХЎРЛИКНИ КУЧАЙТИРИБ

— Қўмита йиғилишлари мавжуд муаммоларнинг ҳал этилишида, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Сафимизда тажрибали устозлар борлиги эса ходимлар ўртасидаги аҳиллиқка тамал тоши қўйиб, тарбиявий ишларимизнинг намунали бўлишига гаров бўлаяпти, — дейди касабақўм раиси Рустамжон Қорабоев. — 2014-2016 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномаси бандлари изчил бажариб келинаяпти.

Жамоа ўртасида тез-тез спорт мусобақалари ўтказилиб, ғолиблар рағбатлантирилмоқда. Шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимларига зарур маданий-маиший шароитларни яратишда фаолларнинг жонкуярлиги қўл келмоқда. Ўтган йил ёзги таътил мавсумида 50 нафар ходим фарзандлари вилоятнинг сўлим гўшаларидаги «Ҳумо», «Сотволдиев» оромгоҳларида ҳордиқ чиқарди. 87 нафар ходим «Чимён», «Косонсой», «Оқтош», «Зомин» каби санаторийларда ўз саломатликларини тиклади. 342 нафар эҳтиёжманд ходимга моддий ёрдам кўрсатилиб, 24 нафар фахрийнинг ҳолидан хабар олинди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,
меҳнат фахрийси

● Сурхондарё

Вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» очиқ акционерлик жамияти ва унинг филиалларида меҳнат қилаётган минг нафардан зиёд ишчи-хизматчилар фермер ва деҳқон хўжаликларига ўз вақтида ва керакли миқдорда маъданли ўғит етказиб бераётганликлари туфайли ҳосилдорлик йил сайин ортиб бормоқда.

ИШЧИЛАР УЧУН ЎЙИНГОҲ

Маъмурият ва бошланғич касаба уюшма қўмитасининг ҳамкорликда қабул қилган 2014-2016 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасига биноан ишчи-ходимларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ва уларни соғломлаштиришга катта эътибор берилаётир. Яқинда жамият ҳудудида сунъий қопламали мини-футбол майдончаси қуриб, фойдаланишга топширилди.

— Жисмонан соғлом ходимнинг иши унумли бўлади, — дейди бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Зокир Исмоилов. — Шуни ҳисобга олган маъмурият ишлаб топилган даромаддан 102 миллион сўм ажратиб, янги ўйингоҳ барпо этди. Энди ишчи-ходимларимиз бўш пайтларида спорт майдончасига келиб, бемалол чигил ёзишмоқда, ҳар хил мусобақаларда иштирок этишмоқда. Биз эса уларни соғломлаштиришнинг янада мақбулроқ чоралари устида изланаяпмиз.

Акционерлик жамиятида меҳнат қилаётганлар орасида ёшлар кўпчилликни ташкил этади. Уларни қўллаб-қувватлаш, соҳада муқим ишлаб қолишларини таъминлаш ва уй-жой шароитларини яхшилаш мақсадида 16 нафар ишчи-ходимга қишлоқларда қурилаётган намунавий уйларнинг бошланғич тўловини тўлашга ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Рустам ДАВЛАТОВ,
"Ishonch" мухбири

ИСТИҚЛОЛНИНГ РАВОН ЙЎЛЛАРИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Уч йилча бурун Ғаллаорол томонларда сел келиши оқибатида талафотлар юз берганини яхши эслаймиз. Ўшанда йўлларни ҳам сув босиб, транспорт воситалари ҳаракатининг тўсиб қўйилишига сабаб бўлганди. Ўтган йили республика миллий автомагистралининг Ғаллаорол тумани ҳудудидан ўтган қисмида сел келиш хавфи ҳисобга олиниб, 8 километрлик йўл ердан 87 сантиметр баланд кўтарилди. Йўлни оқава сувлардан ҳимоялаш учун деярли бир метр қалинликдаги қопламанинг пастки қисмига махсус дренаж қувурлар ётқизилди. Пиёдалар йўлаклари ва бошқа инфратузилмалар бунёд этилди. Қисқаси, тоғли ҳудуддан ўтган ушбу йўлни бир хил текисликка келтириб барпо этиш учун катта меҳнат ва маблағ сарфланди.

Бунга ўхшаш мисолларни яна қанчалаб келтириш мумкин. Буларнинг барчаси мустақиллик берган имкониятлар, Президентимизнинг замонавий йўллар барпо этилишига қаратган эътибори самараси десак янглишмаймиз. Ўтган йилларга назар ташласак, халқаро талабларга жавоб берадиган автомобил йўлларини қуриш, мавжудларини халқаро андозаларга мослаш, йўлларни сақлаш ва таъмирлаш, янги барпо этилаётган саноат районларини халқаро магистраллар билан боғлайдиган йўллар қурилиши энг устувор масалалар қаторидан жой олганига гувоҳ бўламиз.

Мустақиллик йилларида фойдаланишга топширилган кўприк, йўл ўтказгич каби транспорт боғланмалари ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Цемент-бетон ва асфалт-бетон қопламали йўллар узунлиги ортди. Автомобил йўлларининг тоғли ҳудудлардан ўтадиган қисмида бешта довон йўли бунёд этилди.

Жумладан, Тошкент — Андижон — Ўш магистралининг тоғли участкалари Қамчиқ ва Резак туннелларини қурган ҳолда жаҳон андозаларига мослаб таъмирлангани амалга оширилган муҳим ишлардан бири бўлди. Натижада, довонда транспорт ҳаракати йил давомида хавфсиз бўлиши таъминланди. Бу ўз-ўзидан Фарғона водийси вилоятларини юртимизнинг бошқа ҳудудлари билан боғлаш имконини берди. Ҳозирги кунда бу йўлда қунига 20 мингга яқин автомобил ҳаракатланмоқда.

— Қамчиқ йўлидан ўттиз йилдан бери қатнайман, — дея эслайди олтиариқлик ҳайдовчи Шаҳобиддин Қорабоев. — Бу йўл илгари анча тор, ҳаракатланишга жуда ноқулай эди. Ҳозирги туннеллар ўрнида кескин кўтарилиш жойлар бор эди. Шу боис авариялар кўп содир бўларди. Бунинг устига, кузқиш ойлари довон йўли ёпиларди. Бугун у манзаралардан асар ҳам йўқ. Йўл автомашиналарнинг эркин ва хавфсиз ҳаракатланиши учун қулай. Турли табиат ҳодисалари, жумладан, қор кўчкиси, сел хавфининг олдини олишга қаратилган барча чоралар кўрилган. Йўл бўйида қўшимча инфраструктуралар, яъни вулканизация, техник хизмат кўрсатиш жойлари, ошхоналар, бозорлар қурилганини айтмайсизми. Буни ҳеч иккиланмай мустақиллик туҳфаси дейиш мумкин.

Автомобил йўлларини такомиллаштириш орқали уларнинг қуйи техник тоифадан юқори тоифага ўтказилиши транспорт оқимига хизмат кўрсатиш даражасини муттасил ошираётир.

Ҳозир мамлакатимизда қарийб 184 минг километр автомобил йўллари мавжуд. Шундан 42 минг 654 километри умумий фойдаланишдаги йўллар бўлиб, унинг 2 минг 755 километри Ўзбекистон миллий автомагистрали тармоғидир. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий автомагистрал таркибига кирадиган йўлларни қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларининг жадал амалга оширилаётгани халқаро, транзит ва мамлакат ичида юк ва йўловчиларни йил давомида бир маромда ташиш имконини бермоқда.

Йўлсозлик ҳақида гап кетганда, пойтахтимиз кўчаларида амалга оширилган ўзгаришларни алоҳида таъкидлаш лозим. Ватанимиз юраги бўлган Тошкент шаҳридаги йўлларни замонавий кўринишга келтириш шахсан Юртбошимиз эътиборидаги масала бўлиб келмоқда. Ўйлаб кўрайлик, ўтган йиллар давомида пойтахт йўллари қай даражада ўзгариб кетди. Автомобиллар тиғиз ҳаракатланадиган кўчаларнинг кенгайтирилиши, бир неча кўчалар кесишувида йўл ўтказгичлари барпо этилиши, катта-кичик йўлларнинг таъмирланиши ривожланган шаҳарлар манзарасини кўз олдимизда намоён этди. Пойтахт кўчаларида ҳаракатланувчи автомашиналар сони 15-20 йил олдинги даврга нисбатан бирмунча ортганлигини ҳисобга олсак, ушбу бунёдкорлик ишлари амалга оширилмаганда, бугун қандай муаммоларга дуч келишимиз мумкинлигини тасаввур қилиш мушкул.

— Тошкент йўлларининг кечаги ва бугунги қиёфасини солиштириш қийин, — дейди Азамат Юсупов. — Биргина мисол. 2000 йиллар бошида ўзим яшайдиган Чилонзор тумани ҳудудидаги «Бунёдкор» шоҳ кўчаси ва Кичик ҳалқа йўли кесишган чорраҳада доимо тирбандлик кузатиларди. Пиёдалар ҳам йўлдан ўтишга қийналарди. 2006 йилга келиб бу ерда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилиб, замонавий йўл ўтказгичи барпо этилиши билан муаммо ечим топди. Автомобиллар ушбу йўл кўприги орқали чорраҳани ҳеч бир тўсиқсиз кесиб ўтадиган бўлди. Бундай йўлсозлик ишлари шаҳарнинг бир неча нуқтасида амалга оширилиб, транспорт ҳаракатига қанчалик қулайлик яратилганини бугун кўриб, ҳис қилиб турибмиз. Юртимизнинг бошқа шаҳарлари ҳам Тошкент кўчаларидан андоза олаётгани эса янаям қувонарлидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 21 декабрда қабул қилинган "2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида"ги Қарори йўл инфратузилмаси ҳамда сервисини такомиллаштиришда дастуруламал бўлаётир. Мазкур ҳужжат билан тасдиқланган дастурга кўра, Ўзбекистон миллий автомагистрали таркибига кирувчи 2 минг 306 километр узунликдаги йўлларни халқаро талаблар асосида янгидан қуриш ва реконструкция қилиш давом эттирилаяпти. Унинг 1 минг 410 километри тўрт тасмали, 288 километри икки тасмали қилиб, цемент-бетон ва асфалт-бетон қопламаси асосида бунёд этилиши кўзда тутилган. Магистрал бўйлаб кўплаб кўприк ва йўл ўтказгичлар, транспорт боғланмалари барпо этилмоқда.

Президентимизнинг 2014 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида йўл-транспорт инфратузилмасини тараққий эттириш йўналишида эришилаётган муваффақиятларга алоҳида урғу берилди. Маърузада келтирилган қуйидаги кўрсаткичларга эътибор қаратайлик-а: «2014 йилда умумий фойдаланиш учун мўлжалланган 540 километр автомобил йўлини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари якунланди. 116 километрдан иборат икки полосали йўл кенгайтирилиб, тўрт полосали қилиб қайта қурилди, бу эса ўз навбатида, ушбу йўлларда қатновни 3 баробар ошириш имконини берди».

Дарҳақиқат, мамлакатимизда йўл инфратузилмасини такомиллаштириш, янги автомобил йўлларини қуриш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар иқтисодиётимиз тараққиётига ҳисса қўшибгина қолмай, аҳолига катта имконият ва қулайликлар туғдирмоқда. Бу йўллар ўтган жойлар обод масканларга айланиб, турмуш фаровонлигига хизмат қилаётир.

Тўлқин ШЕРНАЕВ,
«Ishonch» мухбири





ЎзА суратлари

▼ Самарадорлик

Ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан ўтган йили турли соҳа ходимлари санаторийларга бепул йўлланма олиш имконига эга бўлишди. Хусусан, Жиззах вилоят таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси тармоғида меҳнат қилаётган ўн уч нафар ўз касбининг жонкуяр ва фидойилари ана шундай имтиёздан фойдаланишди.

БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМА

ижтимоий ҳимоя ифодаси

Йигирма беш йилдирки, Бахмал туманининг олис ва чекка ҳудуди — Новқа қишлоғидаги мактабда ёшларга ўзбек тили ва адабиёти фанидан сабоқ бериб келаман. Тўқсонга яқин ходим меҳнат қиладиган мактабимизда 742 нафар ўқувчи таълим-тарбия олади.

Мактабимиз тумандаги энг илғор билим масканларидан бири саналади. Бир қатор ҳамкасбларимнинг иш тажрибаси туман миқёсида оммалаштирилган. Эришаётган меҳнат ютуқларимизда бошланғич касаба уюшма ташкилоти ва унинг етакчиси Жўрақул Маҳмудовнинг муносиб ҳиссаси бор, албатта. Сўнгги йилларда касаба уюшмалари тизимида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар қанчалар самара бераётганини кўриб турибмиз. Бу жараён, айниқса, бошланғич ташкилотларимизда яққол кўзга ташланаяпти.

Аъзоларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва интеллектуал манфаатларини ҳимоялашдек долзарб масалалар ечимини зиммасига олган энг оммавий жамоат ташкилотига ходимларнинг ишончи тобора ортиб бораётир.

Очиғи, мамлакатимиз касаба уюшмалари тизимидаги "Умид гулшани" санаторийсига йўлланмани қўлимга тутқазиб, унинг менга бутунлай текинга берилаётганини айтишганида, қанчалар қувонганимни таърифлашга ожизман. Санаторийда мириқиб ҳордиқ чиқариб қайтдим ва янги куч, ғайрату шижоат билан ёшларни илм чўққилари сари бошлашга киришдим.

Мен каби меҳнат таътилини ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан "Чортоқ", "Олтинсой", "Бўстон","Зомин" сингари касаба уюшмалари тизимидаги энг намунали санаторийларда мароқли ва мазмунли ўтказганлар сафида зарбдорлик А.Иргашев, С.Зоирова, янгиободлик И.Умаралиев, жиззахлик М.Усмонова, Қ.Такабоев, Қ.Ҳошимова, форишлик Г.Наврўзова, пахтакорлик Х.Қаршибоева, Дўстлик туманилик Х.Собирова, А.Ҳасанов, Жиззах туманилик О.Бекамов, бахмаллик Ҳ.Худойқулов ҳам бор.

Тармоқ ходимларига ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан санаторийларга бепул йўлланмалар ажратилаётгани ва бунда ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлар доимий эътиборга олинаётганидан мамнунмиз.

Муҳаббат МАМАДИЕВА,
Бахмал туманидаги 8-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

▼ Мажлис

Тошкент шаҳрида Кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни кенгаш раиси М.Халилова олиб борди.

ФАОЛИЯТ САРҲИСОБИ

Унда асосий эътибор 2014 йил давомидаги фаолиятга қаратилди. Қайд этилишича, тизимда айни пайтда 2 та тармоқ келишуви, 39 та жамоа шартномаси амал қилмоқда. Меҳнат соҳасида ижтимоий шерикликнинг шакл ва услубларини янада ривожлантириш, шартнома ва келишувлар мазмун-моҳиятини давр талаби асосида такомиллаштириш борасида амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижасида аъзолар меҳнатидан фойдаланувчи юридик шахсларнинг 100 фоизи жамоа-шартномавий муносабатлар билан қамраб олинишига эришилди.

Ўтган йил давомида тармоқ келишуви ва тизимда корхона, ташкилот ва муассасаларда имзоланган жамоа шартномалари орқали 3358 нафар фуқарога ва 1126 та оилага ижтимоий кўмак берилди. Яна бир эътиборли жиҳати, фармацевтика саноати корхоналаридан 10 тасида касаба уюшма ташкилоти фаолияти йўлга қўйилиб, 500 нафарга яқин ходим касаба уюшма ҳимоясига олинди.

Мажлисда ишчи-ходимлар учун хавфсиз иш ўринлари яратилиши ва улар меҳнатини муҳофаза қилиш ишларида касаба уюшма ташкилотлари амалга ошириши лозим бўлган вазифалар тўғрисида атрофлича фикр билдирилди. Шунингдек, тармоқ тизимидаги корхона ва ташкилотлар жамоа шартномаларида ходимларга зарур меҳнат шароитини яратиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларининг олдини олишга қаратилган тадбирлар учун 25,2 млрд. сўм маблағ сарфланганлиги таъкидлаб ўтилди.

Мажлисда қатор ташкилий масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Баҳром ҚУВАТОВ,
Кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши етакчи мутахассиси

ФАКТ » **2014 йилда иқтисодиётимизга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 10,9 фоизга ўсди ва АҚШ доллари ҳисобида 14 миллиард 600 миллион долларни ташкил этди.**

2015-yil 7-fevral, shanba, № 19 (3524), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

— Яшил иш ўринларини яратиш, яшил иқтисодни йўлга қўйиш, юқори технологиялардан унумли фойдаланиш эвазига энергия, хом ашё ва сувни тежаш, иқтисодиётнинг таркибида углерод мавжуд бўлган ёқилғилардан халос этиш ва атмосферага зарарли газлар чиқаришни камайтириш, ишлаб чиқариш чиқиндилари миқдорини қисқартириш пировардида экотизимни сақлаб қолиш демакдир, — дейди Н. Каримова. — Бу ҳақда гапирганда, аввало, яшил иш ўрни, яшил иқтисод нима эканлиги тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш лозим. ЯИЎ ҳозирда кўпчилик янглиш тушунадиган фақатгина меҳнат қилаётган ходимнинг саломатлиги учун зарарсиз, муносиб меҳнат шароитларини яратиб бериш дегани эмас. Бу тушунча кенг маънода қабул қилиниши лозим. ЯИЎни яратиш ташаббуси бир қатор халқаро ташкилотлар, хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан аввало, барқарор, иқтисодий ўсиш ва экологик мувозанатни сақлаш мақсадида илгари сурилган. БМТ талқинида хом ашё тежаш, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва чиқиндиларни қайта ишлаш орқали атроф-муҳитга зарарли таъсирни камайтирган, экотизим ва биохилма-хилликни сақлаш ёки тиклашга ҳисса қўшадиган иш ўринлари яшил ҳисобланади. ЯИЎнинг меҳнат муҳофазаси ҳамда ходимлар саломатлиги билан боғлиқ жиҳатлари унинг юқоридаги хусусиятларидан келиб чиқиб амалиётга татбиқ қилинади.

— Демак, юқоридаги талабларга жавоб берадиган ҳар қандай фаолият турини яшил иш ўрни деб аташ мумкин экан-да.

— Бу ўринда ЯИЎга нисбатан турли халқаро ташкилотларнинг, жумладан, БМТ таркибига кирувчи Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳам ўз нуқтаи назари борлигини эътиборга олиш лозим. ХМТ ЯИЎ юқоридаги талабларга жавоб берган ҳолда муносиб иш ўринлари мезонига ҳам тўла мос келиши керак деб ҳисоблайди. Яъни барқарор бандликни кафолатлайдиган, юқори даражадаги иш ҳақи тўланадиган, ихтисоси бўйича фаолиятини амалга ошириш учун хавфсиз ва шинам шароитга эга, келажакда касб малакаси ва хизмат мавқеининг ўсишига имкон берадиган, ёлланма ишчиларнинг ҳуқуқларига риоя қиладиган, ходимнинг келгусида маълумотини ошириши, савиясини ўстириши, шахсий ўсиши ва соғлом турмуш тарзини таъминлайдиган, шахсий ва ижодий салоҳиятни юзага чиқаришга хизмат қиладиган сармоя жамғаришига имкон берадиган бўлиши лозим. Мисол учун, саноат ёки маиший чиқиндиларни қайта ишлашга ихтисослашган корхонани олайлик. Бундай корхона ўз фаолияти давомида табиатга инсоннинг зарарли таъсирини камайтиради. Бу яшил иқтисодни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бироқ бу ердаги муҳит, хом ашёдан кўтариладиган газлар корхона ходимлари соғлиғига муайян зарар келтириши мумкин. Бундай иш ўрнини ХМТ назарида "яшил иш ўрни" деб бўлмайди.

— Мамлакатимизда ЯИЎларни яратиш бўйича олиб борилаётган ишлар хусусида нималар дея оласиз?

— Кейинги йилларда ишлаб чиқаришдаги янгиланиш ва модернизация жараёнларига шу даражада кўникиб қолдикки, буни оддий ҳол деб қабул қиламиз. ЯИЎ тўғрисида гап кетганда, бу жараёнлар узоқларда юз бераётгандек, бизга ҳеч қандай дахли йўқдек туюлади. Ваҳоланки, юртимизда иқтисоднинг бу йўналиши давлат сиёсати, аҳоли ва тадбиркорларнинг ташаббуси, йирик корхоналарнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда илгарилаб боряпти. Мисол учун, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш йилдан-йилга ошиб бормоқда. Қишлоқ жойлардаги мактаблар, мактабгача таълим, тиббиёт муассасалари, маъмурий идораларнинг анчагина қисми аллақачон қуёш энергиясидан унумли фойдаланиб келмоқда. Қурилмаларга хизмат кўрсатувчи, бундай энергиядан фойдаланиб фаолият юритаётган ходимларнинг ўрнини бемалол яшил иш ўрни деб ҳисоблаш мумкин. Фарғона вилоятида фақатгина қуёш энергияси ҳисобига ишлайдиган йирик иссиқхоналар барпо этган бир неча фермерларни биламан. Иссиқхоналарда 20-30 нафардан ходим фаолият олиб боради. Бундай ташаббусларни илгари сураётган тадбиркорлар банклар томонидан кредитлаш эвазига қўллаб-қувватланмоқда. Яқинда матбуотда Самарқанд вилоятида қимматбаҳо Самарқанд қоғозини қадимий услублар билан ишлаб чиқаришга ихтисослашган оилавий тадбиркорлик корхонаси ҳақида ўқидим. Корхона сой бўйида жойлашган бўлиб, қоғоз бўтқасини аралаштириш, қолаверса, барча зарур жараёнларда энергия олиш учун сув тегирмонидан фойдаланар экан. Бундан ташқари, ишлаб чиқаришда фақатгина табиий маҳсулотлардан фойдаланади. Автомобил тутунларини атмосферага зарарини камайтириш мақсадида юртимизда бензинга нисбатан анча тежамкор сиқилган газ ёқилғисидан фойдаланиш оммавий тус олган. Экологларнинг фикрича, бу яхшигина натижа беряпти. Шунингдек, «GM Ўзбекистон» корхонаси ҳам сиқилган газ, ҳам бензин ёқилғисида ишлаши мумкин бўлган гибрид автомобилларни ишлаб чиқаришни режалаштирган. Гибрид автомобил ҳайдовчилари, бундай машинани ишлаб чиқарувчилар ва қурилмаларни ўрнатувчи муассасалар фаолияти ҳам БМТ назарида яшил иш ўрни ҳисобланади. Шунингдек, кўпчилик йирик корхоналар касаначилар билан кенг кўламли ҳамкорликни йўлга қўйган. Бу ҳам инсоннинг табиатга бўлган зарари миқдорини камайтиришга кўмаклашади. Интернет, мобил алоқа, замонавий технологиянинг бошқа воситаларини ҳаётимизга оммавий кириб келиши ҳам яшил иш ўринларини яратишда қўл келмоқда. Авваллари маълум куч ва вақт сарфланиши, табиатга зарар келтириши мумкин бўлган фаолият турларининг аксарияти ҳозирда масофадан туриб, бевосита контактсиз амалга ошириляпти. Республикамиз миқёсида бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

— Қайта тикланувчи энергия, замонавий технологиялардан фойдаланиб, инсон саломатлиги ва табиатга зарарни камайтиришга ўринаётган хорижий мамлакатлар тажрибаси тўғрисида гапириб берсангиз.

— ЯИЎ нафақат табиатга ва инсон саломатлигига зарарли таъсирни камайтиради, балки бу услубни йўлга қўйган корхонанинг иқтисодий фойда кўришини ҳам таъминлайди. Шунингдек, том маънодаги ЯИЎ ходимларни маънавий озуқа олиши, руҳий қаноат ҳосил қилишига, ишлаб чиқариш унумдорлиги ошишига имконият яратади. Ҳозирда ривожланган давлатларда "Бахтли ходимлар соғлом компанияларни яратади" шиори илгари сурилмоқда. Шу маънода баъзи компаниялар ходимларига замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда уйда туриб ишлашига рухсат беради. Бу биздаги касаначилар фаолиятига жуда ўхшаб кетади. Уй меҳнати билан шуғулланувчилар офисда ишловчиларга қараганда кам касал бўлади. Уларга касаллик варақалари бўйича ҳақ тўлаш, бажарилмаган вазифа корхона ёки компания учун жуда қимматга тушади. Америкалик иш берувчиларга битта ходимнинг офисга режалаштирилган ҳолда келмаслиги йилига 1800 доллар зарар келтириши ҳисоблаб чиқилган. Бу фақат АҚШ компаниялари учун йилига 300 миллиард доллар зарар келтиради. Шунинг учун ушбу давлатнинг 100 та йирик компанияси яшил иш ўринларини яратиш ташаббуси билан чиқиб, 2003-2010 йиллар давомида 565,337 янги иш ўрни ташкил этди. Германияда вақт ўтиши билан йўқ бўлиб кетиши кутилаётган ядровий энергетика ҳозирда 30 000 кишини иш билан таъминлаяпти. Энергиянинг қайтадан тикланаётган сектори худди ўша субсидиялар ҳисобига 300 000 та яшил иш ўрни яратяпти. «Яшил» технологияларни ўзларига жадал одимлаш учун байроқ қилиб олган давлатлар келажакда янада ривожланиши ва гуллаб-яшнаши кафолатлангандир. Европа давлатлари иқтисодиётининг 61 фоизини тикланувчи энергия манбаларига ўтказди. Ҳозирда шиддатли суръатлар билан ривожланаётган Хитой дунё бўйича тоза энергетикага инвестиция киритишда биринчи ўринда туради. Ушбу давлатнинг соҳага сарфлаётган маблағлари юз миллиардлаб долларни ташкил қилмоқда. Дунё миқёсида анъанавий секторларга нисбатан «яшил иқтисод»да иш ўринларининг ўсиши 3 маротаба тезроқ кечяпти.

Шу ўринда жаҳонда кечаётган жараёнлардан ҳулоса қилиб, келажакда энергияга эҳтиёжнинг асосий қисми қайта тикланувчи манбалар ҳисобига таъминланиши, йирик корхоналар фаолияти касаначиларга суяниши, табиатга зарар келтирмайдиган оилавий бизнес пудратга асосланишини башорат қилиш мумкин.

"Ishonch" мухбири Улуғбек ИБОДИНОВ суҳбатлашди

Наманган вилояти Поп туманида қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилди. Янгиобод қишлоғида қурилган ушбу иншоот Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, Ўзбекистон ва Жанубий Корея Республикасининг ўзаро мустаҳкамланиб бораётган илмий-амалий ҳамкорлиги самарасидир.



ҚУЁШ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

Замонавий электр станциясининг қурилиш ва монтаж ишлари "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси ҳамда Жанубий Корея мутахассислари иштирокида "Электрқишлоққурилиш" ОАЖнинг 11-жамланмаси бош пудратчилигида бажарилди. Бу ерда умумий қуввати 130 киловатт бўлган беш турдаги қуёш батареяли панеллар синов тариқасида ўрнатилди ва дастлабки энергияни бера бошлади.

Суратда: *(чапдан) Неъматулло Жўраев, Аюбжон Мўминов ва Муродилла Сўфихонов.*

ЎзА фотомухбири Ҳотам МАМАДАЛИЕВ олган сурат

Реклама ва эълонлар

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2015 йил 13 январдаги ҳал қилув қарорларига асосан тугатилаётган корхоналар рўйхати:

№	КОРХОНА НОМИ	МАКОМИ	Хўжалик судининг карори	
			рақами	санаси
1	GALAXY FOOD	ХК	13.01.2015	10-1403/24968
2	SHARM LINE TRADE	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/24989
3	SECURITY AND DEFENCE PEOPLE	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/25012
4	MUSAVVIR BAHROM	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/24980
5	LAYONESS	ХК	13.01.2015	10-1403/25003
6	FAZILATLI HIMOYA	ХК	13.01.2015	10-1403/25005
7	ARGO-SERVIS	ХК	13.01.2015	10-1403/25006
8	XO'JIAKBAR-TEKSTIL	ХК	13.01.2015	10-1403/24985
9	ELYSIUM EXCLUSIVE	ҚК	13.01.2015	10-1403/24979
10	BODOMZOR-SAVDO	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/24977
11	PROGRESS STUDY	НТМ	13.01.2015	10-1403/25014
12	SILVER SADER	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/24958
13	LAZOKAT-BIZNES	ХК	13.01.2015	10-1403 24987
14	TRIAL TASHKENT	МЧЖ	13.01.2015	10-1403 24W)I
15	MINORI UNIVERSAL TRADING	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/24976
16	MEXR-NIYAT-PLYUS	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/24974
17	АКАДЕМИМПЕКС	ҚК	13.01.2015	10-1403/24953
18	MUNISA-TAOM	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/25007
19	VALINE'MATFAYZ	ХК	13.01.2015	10-1403/24988
20	SHIMOLIY YULDUZ	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/24981
21	XAMZA BARAKALI ZAMIN	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/24962
22	NET AND PLAYSTATION	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/24999
23	TOSHQISHLOQMASH XIMEPLAST	ШК	13.01.2015	10-1403/24939
24	BERDIYOR-ODIL	ХК	13.01.2015	10-1403 24960
25	ELEGANT BARAKA FAYZ	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/24938
26	FORTUNA PLUS	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/25009
27	SHOXRUZ PLYUS SHAXNOZA	ХК	13.01.2015	10-1403/24983
28	DELTA-VIDEO	МЧЖ	13.01.2015	10-1 403/24964
29	ILTIFOT-QURILISH-SERVIS	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/25008
30	LAMINATED-PROF-TRADE	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/24998
31	AZIZBEKLAR-KAPITALI	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/24959
32	LEGKONSTRUKTSIYA	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/25004
33	PLATINUM AGRO BUSINESS	ХК	13.01.2015	10-1403/25000
34	BLUE MOUNTAIN-KOREA	НТМ	13.01.2015	10-1403/24996
35	DUNLOP-M-ASIA	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/24942
36	SBIS BARAKA PLYUS	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/24963
37	POKIZA VAMUBINA	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/24965
38	ARBIZ LYUKS	ХК	13.01.2015	10-1403/24982
39	TONG SHAFOG'I GULI	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/25016
40	NEW FASHION MAN	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/24831
41	XAZRATI XO'JAI JAXON	ХК	13.01.2015	10-1403/25010
42	SHAHBOZ PLUS SHOHRUX	ХК	13.01.2015	10-1 403/24991
43	ALEGRIA	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/24975
44	SKY LINE	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/25002
45	BINOQUR	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/25001
46	SHOXISTA TEKSTIL	ХК	13.01.2015	10-1403/24994
47	GREEN GARDENS GROUP	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/24966
48	BARAKA SAVDO AGRO INVEST	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/24993
49	BERKE INVEST	МЧЖ	13.01.2015	10-1403 249S4
50	INDUS-PROD	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/24969
51	NISI ION FAYZ BARAKA	ХК	13.01.2015	10-1403/24986
52	BEAUTY STYLE BONITA	МЧЖ	13.01.2015	10-1403 25015
53	SWEET FOOD GROUP	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/24969
54	SIROCCO-SERVICE	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/24967
55	SETKA-METALLOPLAST	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/24997
56	QOG'OZ SAVDO	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/2501 1
57	LEADER RENTAL SERVICES	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/24973
58	MEHRDIL OMAD SAVDO	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/24972
59	DILAFRUZ MEGA SERVIS BIZNES	ОК	13.01.2015	10-1403/25002
60	EXCLUSIVE FOOD SERVICE	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/25013
61	MAKTUBAXON BIZNES	ХК	13.01.2015	1 0- 1 403/24990
62	ABDURAXMON-ZAXRO BIZNES	ОК	13.01.2015	10-1403/24995
63	FAYZ KONSERVA PLYUS	ОК	13.01.2015	10-1403/24946
64	AKOR	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/24978
65	V IP-STAN DART	МЧЖ	13.01.2015	10- 1403 '24970
66	ARNASOY LAZZATLI BALIGI	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/24948
67	LYUKSALON	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/24954
68	AYBEK UNIVERSAL AVTOQISIMLARI	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/24955
69	KARAVANELIT SERVIS	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/24947
70	GULI BUSINESS	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/24956
71	MUZLI JANUB BOG LARI	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/24952
72	GUZAL FAROVON BIZNES	ХК	13.01.2015	10-1403/24944
73	SUXROB BUSINESS	ХК	13.01.2015	10-1403/24941
74	SARVAR BUSINESS GROUP	ХК	13.01.2015	10-1403/24943
75	SHIRINA FAROVON KOMMUNAL	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/24957
76	GEPARD FILM	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/24950
77	OZODA FAYZ	ОК	13.01.2015	10-1403/24940
78	ABBOSBEKKOMMUNALSERVIS	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/24945
79	BEAUTIFUL BUILD GROUP	МЧЖ	13.01.2015	10-1403/24949
80	TURON-LIZING	ОК	13.01.2015	10.1403/24951
81	MUHAMMADUMAR	МЧЖ	13.01.2015	10.1403/24971
82	SHARIFA SAVDO SERVIS	МЧЖ	13.01.2015	10.1403/24992

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг қарорига асосан тугатилаётган корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинади. Корхонанинг дебитор ва кредиторларининг даъволари икки ой муддат мобайнида Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани ҳокимияти 32-, 34-хона, Фарғона йўли 21-уй манзилгоҳи бўйича қабул қилинади.

Хизматлар лицензияланган.

Осойишталик йўлида

Ватанимиз мустақилликка эришган илк йилларданоқ юртимизда барча соҳалардаги каби ички ишлар тизимида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, Юртбошимизнинг ташаббуси билан аҳоли турар жойларида осойишталикни таъминлаш мақсадида милиция таянч пунктлари ташкил этилди. Айни пайтда улар фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда маҳаллалар тинчлигини муҳофаза қилиш, аҳоли ўртасида барқарор ҳамжиҳатлик ҳамда оилалар хотиржамлигини таъминлаш йўлида самарали иш олиб бормоқда.

ФИДОЙИЛИК ЭЪТИРОФИ

Навоий шаҳридаги «Ширин» маданият саройида «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Кўрик-танлов натижаларига кўра, биринчи ўринни профилактика инспектори, катта лейтенант Жамшид Тожиев хизмат қилаётган Хатирчи туманидаги 97-милиция таянч пункти қўлга киритди.

Шунингдек, Самарқандда ҳам кўрик-танловнинг вилоят босқичи ўтказилди. Тадбирда юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, бу борада ички ишлар идораларининг ўрни ва ролини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳамда унинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди. Якуний хулосага кўра, Иштихон туманидаги «Халқобод» маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 124-сонли милиция таянч пункти профилактика катта инспектори, майор Акбар Жалилов танлов ғолиби бўлди.

— Кейинги йилларда қишлоқларимиз инфратузилмаси ривожланиб бораётгани, хусусан, 10 га яқин тадбиркорлик субъекти фаолияти йўлга қўйилгани жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар ва турли кўнгилсизликларнинг камайишига хизмат қилмоқда, — дейди майор А.Жалилов. — Тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигимиз ишимиз самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлаётир.

Танловларда шунингдек, «Энг обод ва осойишта маҳалла раиси», «Фидойи маҳалла посбони», «Энг фаол маърифатпарвар маслаҳатчи», «Энг фаол хотин-қизлар қўмитаси раиси», «Энг фаол касаба уюшма етакчиси» каби номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

Улуғбек ТУЙМАБОЕВ, ИИВ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси матбуот котиби, подполковник

САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

САВОЛ: *1976 йили иш вақтида жароҳат олиб, ногирон бўлиб қолганман. Иш жойимдан нафақа олиб турганман. Ҳозирда ёшга доир пенсия оламан, бироқ иш жойимдан бериладиган ногиронлик нафақасини олмаяпман. Шу тўғрими?*

А. АВАЗБЕКОВ, Муборак тумани

ЖАВОБ: Саволингизда иш берувчи томонидан қай бир тўлов тўланмаётганлигини ёритмагансиз. Яъни етказилган зарарними ёки ногиронлик пенсиясини?

Ўз меҳнат вазифаларини бажариши муносабати билан етказилган ҳар қандай зарар иш берувчи томонидан тўлиқ ҳажмда қопланади. Ходимнинг меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши билан боғлиқ ҳолда соғлиғига етказилган зарар иш берувчи томонидан тўлиқ ҳажмда соғлиғи тиклангунга қадар тўланиши қонунчиликда назарда тутилган.

Етказилган зарарни қоплаш жабрланувчининг меҳнатда майиб бўлишига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўловдан, соғлиғига шикаст етиши билан боғлиқ қўшимча харажатларнинг компенсациясидан, шунингдек, белгиланган ҳолларда эса, бир йўла бериладиган нафақа тўлашдан иборатдир.

Агарда ногиронлик пенсияси тайинланган бўлиб, сизда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлган бўлса, "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддасига асосан давлат пенсияларининг турли хилларини олиш ҳуқуқига эга бўлганингизда ўзингиз танлаган битта пенсия тайинланиши белгиланган. Шунга кўра, сизга ёшга доир пенсия тайинланганлиги муносабати билан ногиронлик пенсиясининг тўланмаётганлиги қонунга зид эмас.

Саволга Тошкент давлат юридик университети "Меҳнат ҳуқуқи ва ижтимоий ҳимоя" кафедраси ўқитувчиси Фаррух НАЗАРОВ жавоб берди

Реклама ва эълонлар

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти тасарруфидаги, Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Гулсанам кўчаси 2-уй манзилида жойлашган бино қисми.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи:

умумий майдони — 396 кв.м.

Бошланғич нархи — 358 903 568,56 сўм.

Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти.

Фаолияти ихтисоси: Бинолардан фойдаланиш.

Савдо ташкилотчиси: "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-"А"уй. Тел/факс: (0-371) 228-84-48. веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2015 йил 13 март куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-"А"уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 27 март, 10, 24 апрел, 8, 22 май, 5, 19 июн, 3, 17, 31 июл, 14 август кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ «Ипак йўли» Сағбон филиали, ҳ/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; - аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-"А"уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда, Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли «Ишонч телефони»га зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

Хизматлар лицензияланган.

БОЛАЛАР СПОРТИ: 2014 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 18 намунавий спорт объекти ва 73 мактаб спорт зали барпо этилди, 24 объектда қарийб 100 миллиард сўмлик реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

2015-yil 7-fevral, shanba, № 19 (3524), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Саховат салтанатининг султони

Эзгулик, хайру саховат, меҳру муҳаббат, бунёдкорлик, одамларнинг оғирини енгил қилиш, дардига малҳам бўлиш, истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлаш Алишер Навоий ҳаётининг мазмун-моҳиятига айланиб кетган эди.

Машҳур муаррих Мирхонд "Равзат ус-сафо" ("Поклик боғи") асарида: "Хайру эҳсон, латофат ва кўнгил зарофати бобида амир Алишернинг тенги йўқ...", — деб ёзган. Дарҳақиқат, Навоийнинг барча эзгу фазилатлари ва хайрли ишларини, одамларга қилган яхшиликларини бирма-бир қайд этса, жилд-жилд китоб бўладики, уларнинг ҳажми шоирнинг ўзи ёзган асарлардан-да ошиб кетса, ажаб эмас.

"Аҳли фазл ва аҳли ҳунарга Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эрмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай", — деб ёзади бу ҳақда Бобур.

Муаррихлар Навоий қурдирган ва таъмирлатган бино, иншоот, масжид, мадраса, хайрия муассасалари, работ, кўприк, мақбараларнинг умумий миқдорини 360 дан ортиқ деб кўрсатади. У савдо йўлларида қурдирган ва таъмирлатган работларнинг ўзи 500 дан ортиқ деган маълумотлар ҳам бор.

Давлатшоҳ Самарқандий: "Улуғ амирнинг иморатлари ҳамда хайр-эҳсонларининг ҳаммасини таърифлаб тугатиб бўлмас, чунки уларнинг ҳисоб-китобига етиб бўлмас", — деб лутф этади. Навоий даврида Ҳирот таниб бўлмас даражада ўзгариб кетади. Шунинг учун ҳам Давлатшоҳ Алишер Навоийга бағишлаб ширу шакар усулида (туркий ва форсийда) ёзган қасидасида Муҳаммад алайҳиссалом қадами туфайли Мадина азизу мукаррам бўлгани сингари, Навоийнинг мурувват ва саховат уйғунлашган фаолияти туфайли Ҳирот ҳам оламнинг дорулфазлига айланди, деган фикрни билдиради.

Машҳур муаррих Хондамир эса унинг эҳсонидан бир қатрасини ерга тўксалар, лола ўрнига ҳар зарра тупроқдан Жамшид жоми униб чиқар эди, деб лутф этган эди.

Навоий ўзи қурдирган мадраса ва хонақоҳларда истиқомат қилувчиларни озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа зарур нарсалар билан ҳам таъминлаб турган. Ҳуросон ва Мовароуннаҳр ҳудудида ер кўп бўлса-да сув етарли бўлмаган. Шу боис Навоий ариқ ва ҳовузлар қазиш ишларига алоҳида аҳамият берган. Унинг 19 та катта ҳовуз ёки сув омборлари бунёд этгани, сувсиз ерларга сув чиқаришга бош-қош бўлгани бунинг ёрқин далилидир.



Деди: ҳар ишки қилмиш одамизод,
Тафаккур бирла билмиш одамизод.

Меҳру мурувват, хайру саховатда ўзи намуна бўлган Навоий асарлари орқали ҳам кишиларни яхшилик қилишга, бир-бирини қўллаб-қувватлашга чақирган. Чунончи, "Маҳбуб ул-қулуб" асарида саховатни инсоният боғининг мевали дарахтига ўхшатади, одамийлик мамлакатининг мавжи уммонига, бу уммоннинг бебаҳо гавҳарига қиёс қилади. Саховатли кишини мўл ҳосилга сабаб бўладиган серёғин булутга, саховатсиз кимсани эса ёғмай ўтадиган баҳор булути-ю, ҳиди йўқ мушкка нисбат беради. Мевасиз дарахт билан ёғинсиз булутнинг, саховатсиз киши билан гавҳарсиз садафнинг баҳоси бирдир, дейди.

Навоий бошқаларни ҳам хайру саховатга даъват қилиб, карам туфайли жавонмард камбағал бўлиб қолмайди, сахийнинг юзидаги ажинлар эҳсон қилгани учун эмас, чунки сепган билан дарёнинг суви, сочган билан қуёшнинг нури камаймайди, дейди. Саховатни бир боғ тарзида тасаввур этсак, Навоий бу боғнинг боғбони, бир мулк деб билсак, Навоий унинг соҳиби, бир салтанат десак, Навоий бу салтанатнинг султонидир.

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди

«Қарилар хотири нозикдур...»

Қарилар хотири нозикдур, эй тифл,
Шикастидин қилиб ваҳм, ўлма густоҳ.
Унуттунгмуки, атфол ўйноғонда,
Синар оз майл кўргондин қуруқ шох.

Навоий ҳазратлари ушбу қитъада қарилар хотирининг нозиклиги тўғрисида шунчаки хабар бермаган. Балки ёшларни андиша ва ҳушёрликка чақирган. Лекин дастлабки икки сатрдаги фикр қуруқ насиҳат тарзида қолиб кетмасдан, у тамсил санъати орқали исботланган.

Ёшларнинг шўхликлари ҳаётдаги мавжуд ҳодиса. Ҳазрат Навоий буни ўз ғоявий мақсадига мувофиқлаштириб, «қуруқ шох» билан қарилар хотири ўртасида ўхшашлик топади. Яъни, қуруқ шох бола қўлида салга синганидек, қари кишиларнинг қалби ҳам ёшлар томонидан содир этилган озгина андишасизлик ва одобсизликдан шикаст кўради.

Мир Алишер Навоий «Маҳбуб-ул-қулуб»да ёзганлар: «Қарилик ёшлик майига хуморликдир, йигитликдаги соғломликни ҳасрат-ла кўмсашликдир. Қарилик кунлари шод юрган одамларни ношод этади: киши қадрини букчайтириб... ҳасрат ва надомат ёшининг сели бадан қасри деворини йиқади... Қариларнинг паришонлиги, уларнинг ҳилвираб боришини болалар масхаралайди». Қитъа ана шундай ҳурматсизликка қарши қаратилган.

Оллоҳ таоло яратган борлиқлар орасида энг улуғи, энг шарафлиси Инсон ва унинг камоли, деган фикр Алишер Навоийнинг асарларида қайта-қайта таъкидланган. Дарҳақиқат, инсоннинг дунёга келиши ва онгли ҳаёт кечиришидан бош мақсад камолотга эришувдир. Комиллик туйғуси — фақат инсонга хос бўлиб ёшликдан шаклланади.

Донишманд шоир томонидан битилган ушбу қитъа ҳар биримизнинг ақл кўзқорачиғимизга файзу фароғат бағишлайди. Зеро, Навоий бобомиз ҳикмат суви ила кўкартирган тафаккур бўстонидаги ҳар бир қитъа ҳаёт ва маънавият сабоғидир. Уни идрок этмоқ, ўқиб уқмоқ эса сизу бизнинг ворислик бурчимиздир.

Иброҳим ҲАҚҚУЛ,
филология фанлари доктори

Эл нетиб тонгай тениким...

Алишер Навоий асарларини ўқиганимда мени бир нарса ҳамиша ҳайратга солади: беш аср аввал битилган асарлар худди бугунги кун ҳақида ёзилгандай туюлаверади. Гўё улар инсонийлик барометрига ўхшайди. Гўзал ғазаллару ҳикматлар ғояси қалбимизни забт этади. Ул зоти шариф асарларида ижтимоий, фалсафий қарашлар билан бирга инсоний туйғуларни шу даражада санъаткорона ифода этганки, бу ўқувчи қалбини маърифат ва маънавият нурлари билан ёритади. Султон Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоий ижодига юксак баҳо бериб, уни нафаси ўликларга жон бағишлаган Исо Масиҳ каби туркий тилнинг ўлган жасадига руҳ ато этган сўз мулкининг соҳибқирони дея таърифлаган эди.

Ҳазратнинг ғазалларини шогирдларимга ўқиб бериш баробарида уларни кузатаман. Уларнинг руҳида кўтаринкилик бошланади. Бу, аввало, чақноқ кўзларида акс этади. Ўқувчиларим кўксида куртак ёзаётган эзгуликни кўриб қувонаман. Уларнида ғазал ўқишга чорлайман. Бунда ғазални юракдан ҳис қила оладиган ўқувчиларим ҳофизасидан фойдаланаман. Ғазалдан ғазалга кўчгани сайин болаларда инсонийлик туйғулари алангаланиб боради. Дунёга бошқача назар билан қарай бошлайдилар.

Ҳа, Навоийни ўқиш ёш авлодни олам билан муносабатга киришишга, ўзлигини танишга, ворислик туйғусини уйғотишга ўргатади.

Назаримда, Навоий шеъриятининг боқийлиги сабаби унда асл инсоний фазилатларнинг улуғланганлиги ҳамда ҳаётимизга таллуқдор неки бор — барчасига дахл қилганлигида, азалий ва абадий ҳақиқатлардан баҳс юритилганидадир.

Шоир ижодий мероси — одамийликнинг энг юксак ва мукаммал сабоқларидир. «Олам аҳли, билингизким, иш эмас душманлиғ, Ёр ўлинг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиғ иш!» дейди ҳазрат Навоий.

Шоир ижоди гўё яратувчиликка даъват, эзгуликка рағбат, инсонийликка чақириққа ўхшайди.

Шоира РАУПОВА,
Тошкент шаҳридаги 64-мактабнинг
она тили ва адабиёт фани
ўқитувчиси



52 минг мисрали мўъжиза

Алишер Навоий буюк хамсанавислар "панжасига панжа" уриб, туркийда "Ҳайрат ул-аброр" ("Яхшилар ҳайрати"), "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Сабъаи сайёр" ("Етти сайёр") ва "Садди Искандарий" ("Искандар девори") достонларини ўз ичига олган "Хамса" яратди. Бу билан у ўзбек тилининг ҳам дунёдаги энг бой тиллар қаторида туришини, ўзбек адабиётининг ҳам жаҳон адабиётининг бир қисми ҳисобланишини, ўзининг жаҳон сўз санъатининг забардаст намояндаларидан бири эканини исботлади.

52 минг мисрадан иборат бу асарнинг яратилиши ўша давр кишиларини ҳайратга солади. Абдураҳмон Жомий шогирдини энг юксак даражада улуғлайди, Ҳусайн Бойқаро эса дўстини ўзининг севимли оқ отига миндириб, ўзи унга жиловдорлик қилади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур лутф этганидек, "Алишербек назири йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас".

Ҳақиқатан ҳам, Худо ҳар томондан ёрлақаган бу улуғ зотнинг истеъдод ва лаёқати чегара билмас эди. "Лисон ут-тайр" достонида таъкидланишича, унинг шеърий мероси 100 минг байтдан иборат. Бунинг ёнига яна насрий, илмий ва тарихий асарларини ҳам қўшса, шоир мероси нечоғлик салмоқли экани ойдинлашади. Бу асарлари билан у ўзбек адабиётини жаҳон сўз санъати юксаклигига кўтарди.

Яхшиликдан қувватланган яхшилик

ёхуд қизғин сиёсий, маданий-маърифий фаолият

Султон Ҳусайн Мирзо 1469 йилнинг бошида Ҳирот тахтини эгаллади. Ҳусайн Бойқаро билан Алишер Навоий бирга мактабда ўқиган, Абдулқосим Бобур саройида биргаликда хизмат қилган қадрдон дўст эди. Улар бир-бири билан: *"Қачонки бахт бизга кулиб боқса, дўстлигимизга содиқ қолиб, ўзаро ҳамкор бўламиз"*, — дея аҳду паймон қилишган эди. Ана шу ваъдага мувофиқ, Ҳусайн Бойқаро Самарқандга — дўсти Алишер Навоийга махсус мактуб йўллаб, уни Ҳиротга — сарой хизматига даъват этди. Навоий тезлик билан она шаҳри Ҳиротга етиб келди. 1469 йилнинг апрелига тўғри келган рамазон ҳайити муносабати билан дўсти Ҳусайнни муборакбод этар экан, Навоий унга тахтни эгаллаши билан қутлаб, махсус битган "Ҳилолия" қасидасини ҳам тақдим этди.

Султон Ҳусайн Навоийни муҳрдорлик лавозимига тайинлади. Муҳрдорлик муҳим лавозим эди. Давлатнинг барча ҳужжатлари муҳрдор орқали расмийлаштириларди. То Навоий имзо қўйиб, муҳр босмагунича ҳеч бир ҳужжат қонуний кучга кирмас эди. Шоир шу вазифада туриб, Ҳуросон давлатини мустаҳкамлаш, мамлакатни адолатли бошқариш, элу юрт манфаатлари йўлида хайрли ишларни амалга ошириш, илм-фан, касбу кор ва ҳунарларни ривожлантиришда подшоҳга яқиндан ёрдам берди. Шу тариқа халқ орасида Навоийнинг обрўйи тобора орта борди.

Бироқ, шоир ижод ўтида ёнар эди. Давлат хизмати унинг эркин қалам тебратишига фурсат қолдирмас, шу боис кўп ўтмай Навоий муҳрдорлик вазифасидан истеъфо берди.

Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг иштирокисиз давлат ишларини кўнгилдагидек олиб бориши мушкул эди. Давлат бундай донишманд, оқил, одил шахсга, халқ орасида улкан обрў-эътиборга эга зотга жуда муҳтож эди. Шунинг учун 1472 йили Султон Ҳусайн Мирзо, Навоийнинг норозилигига ҳам қарамай, уни амир, яъни вазир қилиб тайинлади ва унга амири кабир унвонини берди. Бу унвон унинг умри охиригача сақланиб қолди. Амир Музаффар Барлосгина Навоийдан юқори муҳр босиш ҳуқуқига эга эди, холос.

Кимки бир кўнгли бузуқнинг
хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса,
обод айлагай.

Шу тариқа Навоий эл хизматига маҳкам бел боғлади. Кейинчалик унинг ўзи "Ҳайрат ул-аброр"да:

Ким бор эди бошима кўп меҳнатим,
Йўқ эди бош қошиғали фурсатим, —

дея шу даврлардаги қизғин ижтимоий-сиёсий фаолиятини эслаган эди.

Ҳусайн Бойқаро мамлакатни мустаҳкамлаш, ободончиликлар қилиш, илму маърифат, санъат ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга жиддий эътибор берар, бу ишларда Навоийга суянар, у билан бамаслаҳат иш юритар эди. Бу даврда Ҳуросонда маданият ва маънавият мисли кўрилмаган даражада гуллаб-яшнади. Ҳирот ўша замондаги Ер юзидаги юксак тараққий этган маданий марказлардан бирига айланди.

Навоийнинг ўзи ҳам шахсий даромадлари ҳисобига кўплаб иморатлар, халқ хизмати учун бинолар қурдирди. Ҳуросоннинг турли шаҳарлари, хусусан, Ҳиротда шоир бунёд эттирган осори атиқалар сони 400 га яқинлашади. Улар орасида мадраса, хонақоҳ, масжид, табибхона, мақбара, кўприк, тўғон ва ҳаммомлар бор. Ҳиротдаги "Низомия", "Ихлосия" мадрасалари, "Ҳалосия" хонақоҳи, "Шифоия" табибхонаси, Марв, яъни ҳозирги Туркманистоннинг Мари шаҳридаги "Хусравия" мадрасаси Навоий қурдирган энг машҳур меъморий ёдгорликлар ҳисобланади.

Шоир ижодий режалар билан тўлиб-тошган, туркий тилда ўлмас асарлар яратиш дарди билан ёнар эди. У айнан куч-қудратга тўлган ўттиз беш ёшида, яъни 1476 йили вазирлик лавозимидан ҳам истеъфо берди. Бироқ у мансабдан воз кечган бўлса ҳам, Султон Ҳусайн Бойқаро саройининг энг нуфузли кишиларидан бири бўлиб қолаверди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур шунинг учун "Бобурнома"да Навоийнинг Ҳусайн Бойқаро билан муносабатлари ҳақида: *"Беги эмас эди, балки, мусоҳиби эди, кичиклигида ҳаммактаб экандурлар"*, — деб ёзади. *"Мусоҳиб"* сўзи *суҳбатдош* деган маънони ифодалайди. Навоий подшоҳнинг маслаҳатгўй ҳамфикрларидан эди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Султон Ҳусайн Мирзо вафотидан кейин 1507 йили Ҳиротга борганда шаҳарнинг эътиборли жойларини зиёрат қилгани ҳақида сўзлаб, "Бобурнома"да, жумладан, шундай ёзади: *"...Алишербекнинг ўлтурур уйлариким, "Унсия" дерлар, мақбара ва масжиди жомиъиниким, "Қудсия" дерлар, мадрасаси ва хонақоҳиниким, "Ҳалосия" ва "Ихлосия" дерлар, ҳаммом ва дор уш-шифосиниким, "Сафоия" ва "Шифоия" дерлар, борини андак фурсатта сайр қилдим"*.

Илм, адабиёт, санъат ва ҳунар аҳли Навоийни ўзларининг чинакам ҳомийлари деб билар эди. Кўплари ёзган асарларини ана шу улуғ амирга бағишлар эди. Ғиёсиддин Хондамир "Макорим ул-ахлоқ" асарида шундай китоблардан қирққа яқинини санаб ўтади. Албатта, бунинг замирида муаллифнинг буюк амир ва улуғ шоирга ҳурмати ётади. Бироқ шуни ҳам унутмаслик керакки, ана шу асарларнинг ярмидан кўпи бевосита Навоийнинг илтимоси, моддий ва маънавий ҳомийлигида битилар эди.

Масалан, ҳазрат Абдураҳмон Жомий авлиёлар ҳақидаги тазкираси — "Нафаҳот ул-унс ва мин ҳазорат ул-қудс"ни 1475-1476 йили бевосита шогирди Навоийнинг илтимоси билан яратган. Ёки ўз даврининг йирик адабиёт назариётчиси Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг 1493 йили битилган аруз ва бадиий санъатлар ҳақидаги "Бадоеъ ус-саноеъ" асари ҳам Навоийнинг жиддий талаби ва рағбати билан қоғозга тушган. Улуғ амир ана шу олимга илм билан бамайлихотир шуғулланиши учун Ҳиротнинг энг баҳаво ерида жойлашган ўзига тегишли бир яхши ҳовлини тақдим этади. Шунингдек, етти жилдлик "Равзат ус-сафо" асарини битишига имконият туғдириш учун Навоий тарихчи Мирхондга "Ҳалосия" хонақоҳидаги катта кутубхонага эга ўз хонасини ажратиб, ёзув шароитларини ҳозирлатиб беради.

Тахминан 1472–1476 йиллар орасида Навоий ўзининг биринчи девони — "Бадойиъ ул-бидоя"ни тузган эди. Бу девонга бевосита Ҳусайн Бойқаро илтимоси билан тартиб берилди. Шоир девонга махсус "Дебоча" ёзиб, ўзининг шеъриятга, хусусан, ғазалга қарашини, ижодий қатъиятларини баён этди. Бу "Дебоча" Навоийнинг туркий шеъриятга ўта юксак мезонлар билан ёндашадиган соҳиби қалам сифатида бўй кўрсата бошлаганидан далолат қилади.

Султонмурод ОЛИМ,
адабиётшунос

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir v.b. Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Eson Rajabov.

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 228-13-00; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: S.Abdurahmonov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti — 21:00
Topshirildi — 21:20

E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 215 20536 nusxada bosildi 1 2 3 4 6